

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**БЕКИМБЕТОВ АЗАМАТ МИРЗАБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ АФСОНАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ, ТАСНИФИ ВА СЮЖЕТ ТАРКИБИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
sciences**

**Бекимбетов Азамат Мирзабаевич**

Қорақалпоқ халқ афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, таснифи ва сюжет таркиби.....3

**Бекимбетов Азамат Мырзабаевич**

Специфические особенности, классификация и сюжетный состав каракалпакских народных легенд.....25

**Bekimbetov Azamat Mirzabaevich**

Specific features, classification and plot composition of Karakalpak folk legends.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМий-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**БЕКИМБЕТОВ АЗАМАТ МИРЗАБАЕВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ АФСОНАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ, ТАСНИФИ ВА СЮЖЕТ ТАРКИБИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil317 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эшонқулов Жоппар Солиевич**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Раҳмонов Насимхон Асқарович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Низаматдинов Женис Минажатдинович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Т.Мирзаев**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., академик

**Л.Худайкулова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

**Ш.Турдимов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки бадиий ижоди жанрларининг шаклланиш тарихи, миллий-этномаданий хусусиятлари ва поэтик эволюциясини эпик анъаналар генезиси ва типологияси контекстида тадқиқ этиш тамойили кучайди. Бундай қиёсий-типологик тадқиқотлар натижасида чиқарилган илмий хулосалар фольклорнинг миллий ўзига хослиги бугунги тарихий-фольклор жараёнининг етакчи хусусиятларидан бири эканлигини исботлаш имконини берди. Айниқса, халқ насри жанрларининг мукамал таснифини яратиш борасида амалга оширилган янги изланишлар туркий халқлар, жумладан, қорақалпоқ фольклоридаги афсоналарнинг ўзига хос жанрий белгиларини аниқлашда муҳим илмий қимматга эга. Зеро, инсониятнинг поэтик сўз борасидаги бир неча асрлик тажрибаси маҳсули сифатида юзага келган афсоналарда халқнинг миллий-маънавий олами, тарихий-этник жараёнлар ва бадиий тафаккурининг ўзига хос қирралари намоён бўлади.

Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигидаги халқ оғзаки насрининг эртадан бошқа жанрлари, жумладан, афсона ва ривоятларнинг жанрий табиатини аниқлаш ва таснифлаш, бадиий хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ қилишга қаратилган структурал-семантик концепция халқ насри жанрларини таснифлаш ҳамда эпик сюжет ва мотивларни каталоглаштириш мезонларини ишлаб чиқишга асос бўлди. Натижада халқ насрига мансуб фольклор асарлари – эртақ, нақл ва латифани ўз ичига олган бадиий наср жанрлари ҳамда миф, афсона, ривоят ва ҳикоятлардан иборат оғзаки ижод намуналари таҳлил қилинди. Ушбу концепция асосида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш ва тадқиқ қилиш муҳим илмий натижаларни беради. Бунда композиция, сюжет ва мотив уйғунлиги муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай янги илмий концепцияларни қорақалпоқ фольклоршунослигига татбиқ этиш халқ оғзаки насри жанрлари, жумладан, афсоналарнинг жанр хусусиятлари, миллий ўзига хослиги ва бадииятини кенг кўламда тадқиқ этиш учун назарий асос бўлади.

Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди миллатнинг неча асрлар давомида тўпланган бадиий сўз бойлиги, унинг миллий-маънавий оламининг, фалсафий тафаккури ифодаланган бадиий-поэтик ўй-хаёлларининг йиғиндисидир. Шу боис, мамлакатимиз мустақилликка эришгач янги демократик жамиятни куришда халқимизнинг узок йиллар мобайнида тўплаган маънавий бойлиги – халқ меросига таяниб миллий ғояни амалга ошириш, халқимизнинг бебаҳо меросидан баҳра олиш бизнинг олдимиздаги долзарб вазифа бўлиб турибди. “...Тенгсиз маънавий бойлигимиз бўлмиш мумтоз санъатни, халқ ижодининг нодир намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни келгуси авлодларга безавол етказиш жаҳондаги илғор фикрли олимлар ва санъаткорларнинг, давлат ва жамоат арбоблари, барча маданият аҳлининг эгу

бурчидир”<sup>1</sup>. Зотан, қорақалпоқ фольклорида оғзаки насрнинг таркибий қисми бўлмиш афсоналарнинг жанр турларини, генезисини, унинг ўзига хос жанрий хусусиятларини, генетик-типологик асосларини тадқиқ этиш, сюжет ва асосий мотивларини аниқлаш қорақалпоқ фольклоршунослиги олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2010 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1292-сон, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сон Қарорларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ВМҚ-222-сон, 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-304-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослигида афсона жанри бўйича Е.М.Мелетинский, В.Я.Пропп, В.Е.Гусев, С.Н.Азбелов, Л.Э.Элиасов, Л.И.Емельянов, К.В.Чистов, Н.И.Кравцов, С.Г.Лазутин, В.П.Аникин, Ю.Г.Круглов, С.А.Матвеев, Ш.Де Костер, К.Бриггс, Б.Еатс сингари олимлар тадқиқот ишларини олиб борганлар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. 2019 йил, 7 апрель.

<sup>2</sup> Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – С. 406; Пропп В.Я. Жанровый состав русского фольклора // Фольклор и действительность. – М.: Наука, 1976. – С. 327; Гусев В.Е. Эстетика фольклора. – Л.: Наука, 1967. – С. 319; Азбелов С.Н. Проблемы международной систематизации преданий и легенд // Русский фольклор. Т. 10. – М.,-Л., 1966. – С. 176–196; Емельянов Л.И. Проблемы художественности устного рассказа // Русский фольклор. Т. 5. – М.-Л., 1960. – С. 247–264; Чистов К.В. К вопросу о принципах классификации жанров устной народной прозы // VII Международный конгресс антропологических и этнографических наук. – М.: Наука, 1964. – С. 58–67; Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. – М.: Просвещение, 1977. – С. 375; Аникин В.П., Круглов Ю.Г. Русское народное поэтическое творчество. – Л.: Просвещение, 1983. – С. 416; Матвеев С.А. Английские легенды (English folktales and legends). – М.: АСТ, 2014. – С. 126; Де Костер

Туркий халқлар фольклоршунослигида ҳам афсоналар ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, К.Имомов, Т.Мирзаев, М.Жўраев, У.Жуманазаров, У.Ф.Сатторов, М.Р.Раҳмонова, З.Х.Жумаев (ўзбек), С.Қасқабасов (қозоқ), А.Баймирадов (туркман), П.Д.Фидакар (турк), Ф.Назершина (бошқирд) ва бошқалар<sup>1</sup> халқ прозасини махсус ўрганганлар.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида бу жанрлар махсус тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, қорақалпоқ фольклори тарихига оид илмий ишларда бу ҳақда сўз юритилган. Н.Давқораев, Қ.Айимбетов, О.Кожуров, Н.Жапақов, Қ.Мақсетов, А.Тажимуратов, Қ.Мамбетназаров, С.Ахметов, С.Баҳадирова, Ж.Хошаниязов, К.Палимбетов, И.Алламбергенова, Г.Қалбаева, Т.Қанаатов, Т.Керўеновларнинг илмий ишларида мавзуга дахлдор фикрлар мавжуд<sup>2</sup>.

---

III. Легенда об Уленшпигеле / Пер. с фр. Любимова Н.М. М.: Terra, 1997. – С. 474; Briggs K.M. British Folk-Tales and Legends: A Sampler / K.M.Briggs. – London & New York: Routledge Classics, 2002. 373 p.; Yeats W.B. Fairy and Folk Tales of Ireland. – Bjunty, 2004. – 408 p.

<sup>1</sup> Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 103; Имомов К. Генезис и поэтическая трансформация жанров узбекской устной прозы: Автореф...док. филол. наук. – Ташкент, 1986. – Б. 392; Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 304; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 108; Ўша муаллиф. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фан. док. ... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 57; Жўраев М., Нарзакулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2000. – Б. 118; Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин (диний афсоналарнинг ибтидоси, тадрижий ривож ва таснифи масалалари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – Б. 251; Ўша муаллиф. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент, 1991. – Б. 179; Сатторов У.Ф. Ўзбек халқ топономик ривоятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 23; Раҳмонова М.Р. Ўзбек халқ тарихий афсоналарининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва тасниф: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 21; Жумаев З.Х. Ўзбек халқ тарихий ривоятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 21; Қасқабасов С. Қазақтың халық прозасы. – Алматы: Ғылым, 1984. – Б. 272; Қасқабасов С. Казахская несказочная проза. – Алмата: Наука, 1990. – Б. 240; Баймирадов А. Туркмен фольклор прозасынын тарихы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б. 164; Pinar Dönmez Fidakâr. Karakalpak efsaneleri (inceleme-metinler). – Izmir, 2012. 694 s; Назершина Ф. Халык катере. – Офе: Башкортстан китап нашрияти, 1986.

<sup>2</sup> Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. Т. 2. I бөлим. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 355; Айымбетов Қ., Кожуров О. Қарақалпақ әдебиятынын түрлери // Қарақалпақстан әдебияты хәм искусствосы. 1939. – № 4-5 (38). – Б. 79-80; Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1988. – Б. 492; Айымбетов Қ. Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 61-71; Жапақов Н. Революцияға шекемги қарақалпақ әдебиятында реализм мәселеси. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1972. – Б. 9-10; Мақсетов Қ. Қарақалпақ халқының аўызеки дәрәтпелери. – Нөкис: Билим, 1996. – Б. 340; Ўша муаллиф. Қарақалпақ фольклорының эстетикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1971. – Б. 112; Мақсетов Қ., Ә.Тажимуратов Қарақалпақ фольклоры. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1979. – Б. 69; Мәмбетназаров Қ. Қарақалпақ ертеклери ҳаққында – Нөкис: Қарақалпақстан, 1981. – Б. 119; Ахметов С., Баҳадирова С. Фольклорлық терминлердин қысқаша сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1992; Хошаниязов Ж. Хәким ата туўралы аңызлардың дәўирлик белгилери хәм гейпара параллеллер // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – № 4. – Б. 95-97; Қарақалпақ халық прозасы жанрларының атамалары хәм критериялары мәселелери (1-мақала) // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2013. – № 4. – Б. 51-56; Қарақалпақ халық прозасы жанрларының атамалары хәм критериялары мәселелери (2-мақала) // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2014. – № 1. – Б. 119-123; Хошаниязов Ж. Қарақалпақ қахарманлық дәстанлары-миллий қәдириятларымыз дәрәклери. – Нөкис, 2017. – Б. 92; Хошаниязов Ж. Миллий дәстанларымыз – руўхый хәм материаллық мәдениятымыздың ҳасыл үлгилери (Қарақалпақ қахарманлық дәстанларын тарийхий-фольклорлық изертлеў тәжрийбеси). – Нөкис: Илим, 2018. – Б. 91; Палимбетов К. Қорқыт ата китабы хәм қарақалпақ дәстанлары. – Нөкис, 2010. – Б. 128; Аллаамбергенова И. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи): Филол. фанлари бўйча фалсафа док. (PhD) дис ... автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 49; Хошаниязов Ж., Аллаамбергенова И. Мифлер ҳаққында гейпара пикирлер // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2015. – № 4. – Б. 103; Қалбаева Г. Қорақалпоқ халқ афсоналари (генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи): Филол. фанлари бўйча фалсафа док. (PhD) дис ... автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 53; Қанаатов Т. Әпсана жанрын изертлеўдин илимий-теориялық мәселелери // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2008. – № 4. – Б. 69; Керуенов Т. Мифлер хәм аңызлардың қарақалпақ жазба әдебиятта қолланылыўы. – Нөкис: Билим, 2013. – Б. 116.

Ушбу диссертацион тадқиқот қорақалпоқ фольклоршунослигидаги муаммоларни жаҳон фольклоршунослигида ўрин олган илмий натижалардан ўринли фойдаланиш орқали қорақалпоқ афсоналарининг ўзига хос хусусиятларини, турлари ва сюжет таркибларини тадқиқ қилишга йўналтирилган.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқ. Тадқиқот иши натижалари ва хулосалари институтда бажарилган ФА-Ф1-Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрлари назарий масалаларини тадқиқ қилиш” (2012-2016), ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш” (2017–2020) номли фундаментал ва И1-ФА-0-14244 “Қорақалпоқ фольклори материалларини нашрга тайёрлаш” (2007–2017) инновацион илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қорақалпоқ афсоналарининг жанр хусусиятларини ёритиш, унинг халқ оғзаки насри жанрлар тизимида тутган ўрнини белгилаш, бу тип фольклор асарларининг шаклланиш тарихи ва генетик асосларини очиқ бериш, туркий халқлар оғзаки насри контекстидаги типологик муштараклигини аниқлаш ҳамда афсоналарнинг сюжет таркиби ва образлар тизимининг поэтик табиатини ойдинлаштиришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қорақалпоқ халқ афсоналарининг жанр хусусиятларини аниқлаш орқали уни халқ оғзаки насрининг миф, аңыз (ривоят), эртақ жанрларидан ажратиб олиш ва назарий ўлчамларини илмий асослаб бериш;

қорақалпоқ халқ афсоналарини жанрий жиҳатдан таснифлаш, тарихий такомиллашиш жараёни ва ривожланиш йўлларини далиллаш;

қорақалпоқ халқ афсоналарининг генезисини, типологик хусусиятлари ва мотивлар таркибини ўрганиш;

қорақалпоқ афсоналарининг халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари тизимидаги тутган ўрнини белгилаш;

қорақалпоқ халқ афсоналарининг функционал-семантик хусусиятлари ва оммаланиш усулларини структурал-типологик метод орқали аниқлаш;

қорақалпоқ халқ афсоналарининг сюжет таркиби ва мотивлар силсиласидаги анъанавий миллий хусусиятлари ҳамда образлар тизимини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЎЗР ФА ҚБ Фундаментал кутубхонаси қўлёзмалар фонди материаллари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида халқ орасидан тўплаб нашр этилган “Қарақалпақ халық легендалары хэм анекдотлары” (1962), “Қарақалпақ халық аңызлары хэм анекдотлары” (1995), “Қарақалпақ аңызлары, эпсаналары хэм шешенлик сөзлери” (1992), Қарақалпақ фольклоры. Көп томлық, 77–87-томлар (2014) каби тўпламлар ҳамда муаллиф томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг туманларидан тўпланган

материаллардан (ЎзР ИА ҚБ Фундаментал китапханасының қол жазбалар фонды. Р-1302, №183830) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предметини** қорақалпоқ халқ афсоналарининг жанр хусусиятлари, мавзу қамрови, бошқа жанрлардан фарқи, сюжет таркиби билан образлар тизими, ҳаётий-маиший функциялари, генетик асослари ва шаклланиш жараёни, ҳаёт воқелигини эпик талқин қилиш усули ҳамда поэтик хусусиятларини тадқиқ қилиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида қорақалпоқ халқ афсоналарининг жанр хусусияти, турлари, сюжет ва мотивларини очиб беришда қиёсий-тарихий, тарихий-типологик, тарихий-генетик, структурал-типологик методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор қорақалпоқ халқ насрининг жанрлар тизими яхлит бадиий силсила сифатида таҳлилга тортилган ҳамда халқ афсоналарининг жанр сифатида такомиллашуви, генезиси, типологияси, образлар тизими, сюжет таркиби ва асосий мотивлар системаси тавсифланган;

илк марта қорақалпоқ фольклоршунослигида халқ афсоналарининг эпик турга мансуб оғзаки насрий асар сифатидаги хусусиятлари асослаб берилган;

халқ афсоналарининг шаклан ихчамлиги, тингловчига муайян ахборотни етказиш мақсадида айтилиши уни халқ прозасининг бошқа жанрларидан ҳаётий воқеликни эпик талқин қилиш усули билан фарқланиши исботланган;

қорақалпоқ халқ афсоналарини мавзу қамровига ва воқеликни ифода қилиш тарзига кўра таснифлашнинг илмий принциплари ишлаб чиқилган ҳамда шу асосда уларни мифологик, тарихий ва топонимик афсоналар каби типларга бўлиниши илмий асосланган;

қорақалпоқ халқ афсоналарида тарихийлик ҳамда эпик сюжетларнинг манбалар ва фактлар асосида такомиллашув жараёни тарихий, қиёсий, типологик, генетик ва структурал методлардан фойдаланиб очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

қорақалпоқ халқ афсоналарининг мифологик, топонимик, тарихий турлари тадқиқ қилинган;

қорақалпоқ халқ афсоналарининг ўзига хос жанр хусусиятлари, уларнинг пайдо бўлиши ва яратилишида асосий вазифани бажарган ижтимоий-сиёсий ва тарихий асослари очиб берилган;

афсона жанрига оид матнларнинг ҳаётий-маиший вазифалари, миллий ўзига хослиги, ҳаётий воқеликни ифода этиш усуллари, сюжет тизими ва етакчи мотивлар таркиби ойдинлаштирилган;

афсоналарни қиёсий-тарихий ва қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ қилиб, жанр генезиси ҳамда бадиий эволюцияси жараёнлари аниқланган, қорақалпоқ халқ насрининг туркий халқлар оғзаки насри контекстидаги ўрни кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда фойдаланилган назарий ва амалий маълумотлар, илмий манбалар бўйича билдирилган фикрлар ва чиқарилган хулосалар қиёсий-тарихий, тарихий-типологик, тарихий-генетик ҳамда структурал-типологик усулларга

асосланганлиги, олинган натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация материаллари ва уларнинг таҳлили натижасида чиқарилган илмий-назарий хулосалар туркий халқлар фольклоридаги оғзаки наср жанрлари, хусусан, афсона ва ривоятларнинг ўзаро муштарак ҳамда фарқли белгиларини аниқлаш, афсоналарнинг мукамал таснифини яратиш, мифологик, топонимик ва тарихий афсоналарни туркий халқлар фольклори контекстида қиёсий-типологик жиҳатдан кенг кўламда ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди асарларининг мукамал академик нашрини тайёрлаш, олий ўқув юртларида адабиёт назарияси, халқ оғзаки бадиий ижоди, қиёсий фольклоршунослик, адабий таъсир анъаналари, шунингдек жаҳон халқлари оғзаки адабиётидан маърузалар ўқишда, магистратура босқичида эпик жанрлар генезиси, поэтикаси ва типологияси бўйича махсус курс ҳамда семинарлар ўтишда, турли босқичдаги таълим тизимида дарс машғулоти олиб боришда, ўқув кўлланмалари, дарслик ва мажмуалар яратишда кенг фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ халқ афсоналарини ўзига хос жанр хусусиятларини, сюжет системаси ва етакчи мотивлар таркибини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

афсона жанрини қорақалпоқ фольклори эпик жанрлари тизимида тутган ўрни ва бадиий эволюциясига доир илмий-назарий натижаларидан ЎЗР ФА ҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида амалга оширилган И1-ФА-0-14244 “Қорақалпоқ халқ прозасининг илгари чоп этилмаган намуналарини нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш (кўп жилдлик “Қорақалпоқ фольклори” бўйича)” (2014–2015) номли инновацион лойиҳасини бажаришда, жумладан, қорақалпоқ халқ афсоналарининг жанр хусусиятлари, тематик турлари, сюжет ва мотивларига тегишли хусусиятларини ифодалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 28 августдаги 17.01/122-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ халқ афсоналарининг мавзу типлари аниқланган ва шу асосда халқ оғзаки насри асарларини нашрга тайёрлаш мезонларини такомиллаштиришга эришилган;

қорақалпоқ халқ афсоналарининг тўпланиши, тадқиқ қилиниши ва чоп этилиши тарихига доир илмий хулосалардан Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалида бажарилган А-1ХТ-0-9297 “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” (2012–2014) номли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2019 йил 30 сентябрдаги 132-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлодни миллий қадриятлар асосида тарбиялашда қорақалпоқ халқ афсоналарининг ўрни кўрсатиб берилган;

қорақалпоқ халқ афсоналарини кенг омма орасида тарғиб қилишда тадқиқотнинг илмий-назарий хулосаларидан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг “Тәўхар сөзлер” кўрсатувида, “Халық гэзийнесинен”, “Мийрас” каби эшиттиришларида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2019 йил 17 сентябрдаги 01-02/375-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ халқ афсоналарини ҳозирги турмушимизнинг маънавий-маданий ривожланишида тутган ўрни ва таълим-тарбиядаги аҳамиятини кенг тарғиб қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 13 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 7 та халқаро ва 6 та республика ва маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та иш эълон қилинган, улардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, жумладан, хорижий журналларда 2 мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 161 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми сингари масалалар қайд этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қорақалпоқ афсоналарининг жанр хусусиятлари”** деб номланган бўлиб, ушбу бобнинг биринчи бўлими **“Қорақалпоқ халқ афсоналарининг тўпланиши ва тадқиқ қилиниши”** деб номланади. Унда қорақалпоқ халқ прозаси жанрлари, хусусан, афсоналарини халқ орасидан тўплаш ишлари XVIII асрнинг 40-йилларида, XIX асрнинг 70-йиллари, XX асрнинг 20-40-йилларида қорақалпоқлар яшаётган ҳудудга келган тарихчи олимлар ҳамда саёҳатчилар томонидан қорақалпоқлардан бир қанча афсона ва аңыз (ривоят) матнлари ёзиб олинганлиги ва умумий йўналишда фикр юритилганлиги ҳақида сўз юритилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Поездка из Орска в Хиву и обратно, совершенная 1740–1741 гг. поручиком Гладышевым и геодезистом Муравиним // Географические известия, Спб., 1850. – С. 55–62; Рычков П. Топография Оренбургской губернии // Сочинение и переводы. – Оренбург: Отд. Русско-географ. Об-ва, 1887. – С. 405; Каразин Н. Сказка о женском ханстве (отрывок из записной книжки) // Древняя и новая Россия. Спб., 1875. – №11. – С. 290–294; Риза Кули Мирза. Краткий очерк Амударьинской области. – Спб., 1875. – С. 21; Вамбери А. Путешествие по Средней

Қорақалпоқ халқ афсоналарига илмий асоснома бериш, асосан, XX асрнинг 50-60-йилларига тўғри келади. Қорақалпоқ фольклоршунослигида илк бор афсонага жанр сифатида асоснома берган Қ.Айымбетов: “Халық ертеклерининг бир түри – легенда (афсона) болып табылады. Легендаларды тарийхқа байланыслы ертек-әңгимелер (хикоялар) десек те болады”<sup>1</sup>, деб ёзади. Н.Давқораев легендага эпик турнинг мустақил бир жанри сифатида қараб: “Легендаларда қыялий ойлар, тәбийғый қубылыслар, тарийхий хәдийсе, тарийхий адамлар, қарақалпақ уруўлары, олардың уранлары ҳаққындағы әңгимелери де легендаға жатады”<sup>2</sup>, деб ҳисоблайди.

Қ.Максетов томонидан ишлаб чиқилган фольклор жанрининг таснифи ҳар бир жанрнинг бошқа жанрлардан фарқланадиган жанрий белгилари ва уларни жанр сифатида белгилайдиган мезонларни аниқлашга ҳаракат қилиши билан фарқланади. Олим: “Хәр қыйлы атамалардың келип шығыўы ҳаққында, объекттиң кеңлиги жағынан тәбият, ҳайўанат, адамзат дүньясын қамтыйтуғын, диний қыялий, тарийхий деталларды өз бойына сиңдирген бир жағынан болжаў, екинши жағынан тастыйықлаў формасында айтылатуғын аңыз (ривоят) сөзлерди легендалар деп атаймыз. Қыяллаў арқалы легендада болмаған ўақыя ҳақыйқаттай етип айтылыўы мүмкин. Усы қыял орнында ҳақыйқатлық ушқынлары көринеди”<sup>3</sup>, деб келтиради ва халқ прозаси жанрларининг ҳар бирини ўзига хос жанр белгиларига кўра “афсона (миф), рәўият (предание), аңыз (легенда)ни”<sup>4</sup> ажратиш таклифини беради.

2000-йилларга келиб, қорақалпоқ фольклоршунослигида қорақалпоқ халқ прозаси ва уларнинг жанр таркибини белгилаш, ушбу таркибга кирувчи жанрларнинг жанр белгиларини аниқлаш бўйича бир қанча илмий ишлар юзага келди<sup>5</sup>. Бу даврдаги халқ прозаси жанрлари, жумладан, афсона жанри ҳақидаги, илмий ишлар кўп бўлмаса ҳам, бу тадқиқотлар энг аввало фольклоршуносликнинг сўнгги ютуқларига таяниши, шунга боғлиқ халқ

---

Азии. – М.: Восточная литература, 2003. – С. 193; Валиханов Ч.Ч. Сочинения, записи Русского географического общества по отделению этнографии. Т. XXIX. – СПб., 1904. – С. 200; Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. Т. 1. – М.-Л., 1951. – С. 410; Иванов П.П. Очерки истории каракалпаков // Материалы по истории каракалпаков. Труды института востоковедения АН СССР. Т. VII. – М.-Л., 1935. – С. 8–89; Соколов А.А. Основные этапы истории каракалпаков, по данным народных преданий каракалпаков и других памятников живой старины. – Турткуль, 1932; Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 440; По следам древнехорезмийской цивилизации. – М.-Л., 1948. – С. 328.

<sup>1</sup> Айымбетов Қ. Халық даналығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – Б. 35.

<sup>2</sup> Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы // Қарақалпақ әдебияты тарийхының очеркleri. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. – Б. 184.

<sup>3</sup> Максетов Қ. Қарақалпақ фольклорының эстетикасы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1971. – Б. 57.

<sup>4</sup> Максетов Қ. Қарақалпақ халқының көркем аўызеки дөретпелери. – Нөкис, Билим, 1996. – Б. 212.

<sup>5</sup> Баҳадырова С. Қарақалпақ халық прозасы: Миф, эпсана, аңыз... // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – № 2. – Б. 107–110; Хошаниязов Ж. Қарақалпақ халық прозасы жанрларының атамалары хәм критериялары мәселелери (1-мақала) // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2013. – № 4. – Б. 51–56; Хошаниязов Ж. Қарақалпақ халық прозасы жанрларының атамалары хәм критериялары мәселелери (2-мақала) // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2014. – № 1. – Б. 119–123; Алламбергенова И. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи): Филол. фан. бўйича фал. док. (PhD) дис ... автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 49; Хошаниязов Ж., Алламбергенова И. Мифлер ҳаққында гейпара пикирлер // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2015. – №4. – Б. 103; Қалбаева Г. Қорақалпоқ халқ афсоналари (генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи): Филол. фан. бўйича фал. док. (PhD) дис ... автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 53; Қанаатов Т. Эпсана жанрын изертлеўдиң илимий-теориялық мәселелери // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2008. – № 4. – Б. 69; Керуенов Т. Мифлер хәм аңызлардың карақалпақ жазба әдебиятта қолланылыўы. – Нөкис: Билим, 2013. – Б. 116.

прозаси ва унинг жанрларини белгилашда маълум даражадаги бир бутун, илмий асосланган фикр ва хулосалардан иборатлиги билан аввалги тадқиқотлардан фарқланиб туради.

Умуман, қорақалпоқ фольклоршунослигида халқ прозаси жанрлари ва унинг жанр таркибини белгилашда бироз хато фикрларнинг келиб чиқиши, бизнингча, маълум бир жанр номини билдирувчи “легенда” сўзининг кириб келиши билан боғлиқ. Жанр номи сифатида бу атама рус тилидан қорақалпоқ тилига, шунингдек, бошқа туркий тилларга ушбу жанрнинг эквивалент (муқобил) атамаси “эпсана” (афсона) сўзининг бор бўлишига қарамасдан қабул қилинган. Натижада узоқ вақтлар давомида, қорақалпоқ фольклоршунослигида ушбу термин билан номланувчи жанр таркибига кирувчи оғзаки асарларни белгилаш бироз қийинчилик туғдирган.

Биринчи бобнинг “*Қорақалпоқ халқ прозаси ва унда афсона жанрининг тугган ўрни*” деб номланган иккинчи бўлими афсона жанрининг миф ва аңыз (ривоят) жанрлари ўртасидаги ўрнини, унинг жанрий белгиларини, вазифасини, образ, сюжет ва мотивлар тизимини белгилашда унинг миф ва аңыз билан ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга бағишланган.

М.Жўраев таъкидлаганидек: “Миф ва афсона – табиат ҳамда жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қарашларнинг маъносини тушунтириш мақсадида яратилган. Улар ибтидоий инсон онгида пайдо бўлган фантастик қарашнинг натижаси бўлиб, ушбу ижтимоий онг кўриниши мифда табиат ҳақидаги қадимий маълумот; афсонада бўлса, руҳий-эстетик қарашларни асослайдиган ҳаёлий тўқима ҳисобланади. Мифдаги сингари афсоналарда ҳам у ёки бу нарса ёки ҳодисанинг ҳолати ҳақида маълумот, яъни этиологик хулоса мавжуд бўлади. Шу билан бирга, миф ва афсона ижтимоий онг ривожланишининг турли босқичларига тегишли бўлганлиги учун бир-биридан кескин фарқ қилади”<sup>1</sup>.

Халқ оғзаки ижодида афсона билан аңыз (ривоят)ни ажратишда қўлланиладиган предметлик-мавзуий хусусиятлар жуда муҳим ҳисобланади. Кўпчилик дин ва каромат ҳақида сўз юритиладиган матнлар (текстлар), асосан афсона жанрига хосдир. Демак, баён қилинган матнда ғаройиблик ҳақиқатдан устун бўлса, матн (текст) афсонага, агар аниқлик олдинги ўринда турса, бу матн аңызга тегишли бўлади. Миф ва афсона табиат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ равишда пайдо бўлган қарашларнинг маъносини тушунтириш мақсадида яратилган. Улар ибтидоий инсон онгида пайдо бўлган фантастик қарашлар натижаси бўлиб, бу ижтимоий онг кўриниши мифда табиат ҳақидаги қадимий маълумот шаклида бўлади. Тадқиқотда мифда бўлгани каби афсоналарда ҳам у ёки бу нарса ё ҳодисанинг ҳолати ҳақида маълумот, яъни этиологик хулоса мавжуд бўлиши<sup>2</sup>, аңызда эса ҳақиқатни бадиий ифодалаши билан фарқланувчи жиҳатлар мавжуд матнлар асосида тадқиқ қилинди.

<sup>1</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари док. ... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 14–15.

<sup>2</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари док ... дис. автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 14–15.

Диссертациянинг иккинчи боби “Қорақалпоқ халқ афсоналарининг мавзуй таснифи” деб номланади. Ушбу бобда халқ афсоналарининг рус ҳамда туркий халқлар фольклоршунослигида турларга бўлиниши борасидаги фикрлар таҳлилга тортилиб, уларга муносабат билдирилди.

Афсона жанрини тадқиқ қилган фольклоршунослар афсонани кўпинча мавзуй жиҳатдан бўлиниши принциpidан фойдаланиб<sup>1</sup> ўрганадилар. Халқ оғзаки ижодининг бир жанрини тасниф қилган тили яқин ва яқин бўлмаган халқлар фольклоршунослигида фикрлар бир-биридан биров ўзгача бўлгани билан афсона жанрининг асосий жанр хусусиятини, унинг поэтик ва стилистик хусусиятларини тадқиқ қилишда муҳим фикрлар ҳисобланади. Биз мавзуйи ўзимиздан илгари тадқиқ қилган олимларнинг фикрларини ҳисобга олиб, халқ афсоналарини турларга ажратиб, таҳлилга тортидик.

Ушбу бобнинг “Мифологик афсоналар” номли биринчи бўлимида афсоналарни икки турга, яъни этиологик ва диний афсоналарга бўлиб ўрганилди.

*Этиологик афсоналар.* Машҳур немис этнографи А.Йенсен этиологик мифларни “ҳар қандай ҳодисанинг фақат келиб чиқишинигина эмас, балки, туб маъносини бутун ҳолда тушунтирадиган “чин маънодаги”, “ҳақиқий” мифлардан кескин фарқ қилишини таъкидлаган”<sup>2</sup>. Қорақалпоқ этиологик афсоналарининг маълум бир қисми туркий халқлар ҳисобланган ўзбек, қозоқ, бошқирд, нўғой ва бошқа халқлар, шунингдек, жаҳондаги қорақалпоқларга генетик, тарихий-генетик алоқаси йўқ халқлар фольклоридаги афсоналар билан ўзаро мазмунан муштарак. Унинг иккинчи ва энг кўламли қисми бошқа халқларда учрамайдиган, фақат қорақалпоқ фольклоригагина хос бўлган этиологик афсоналардан ташкил топади. Умуман, этиологик характердаги афсоналарни улар тасвирлайдиган объектига нисбатан қуйидаги икки турга ажратиш мумкин: 1. Осмон жисмларининг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар. 2. Ҳайвонот оламининг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар.

Қорақалпоқ этиологик афсоналарининг маълум бир қисмини осмон жисмлари – Қуёш, Ой, юлдузлар, уларни ажратиб турувчи маълум бир белгининг келиб чиқиш сабаби ҳақида сўз юритувчи афсоналар ташкил қилади. Мавзуйи белгиларига кўра, биз осмон жисмлари ҳақидаги қорақалпоқ афсоналарини: Қуёш ва Ой ҳақидаги афсоналар ва юлдузларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги афсоналар, деб икки турга ажратишни маъқул топдик.

Осмон жисмлари ва уларнинг маълум бир белгисининг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналар ичида қорақалпоқлар орасида кенг тарқалгани “Айдың бети неге тыртық?” (Ойнинг юзи неге тиртиқ?), “Күн неге қызарып батып,

---

<sup>1</sup> Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Тошкент: Фан, 1981. – С. 68; Раҳмонова М. Ўзбек халқ афсоналарининг бадиияти. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 9; Қасқабасов С. Қазақтың халық прозасы. – Алматы: Ғылым, 1984. – Б. 272; Гринблат М.Я. Белорусские легенды и предания // Прозические жанры фольклора народов СССР. – Минск, 1974. – С. 202; Баҳадырова С. Қарақалпақ халық прозасы: Миф, эпсана, аңыз...// ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2007. – №2. – Б. 107-110; Хошаниязов Ж. Қарақалпақ халық прозасы жанрларының атамалары хэм критериялары мәселелери (2-мақала) // ӨзР ИА Қб Хабаршысы. – Нөкис, 2014. – № 1. – Б. 119-123; Қалбаева Г. Қорақалпоқ халқ афсоналари (генезиси, жанрий хусусиятлари, таснифи): Филол. фан. бўйича фал. док. (PhD) дис ... автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 18–19.

<sup>2</sup> Мифы народов мира // Энциклопедия. Электронное издание – М., 2008. – С. 582.

қызарып шығады?” (Қуёш неға қызариб ботиб, қызариб чиқади?)<sup>1</sup> сингари афсоналар бўлиб, Күн (Қуёш) ва Ой орасидаги конфликт ушбу дуалистик тушунчалар – мифларнинг афсоналарга кўчган қолдиғи ҳисобланади. Қорақалпоқлар Күн (Қуёш)ни инсоният тирикчилигининг энг асосий объекти бўлган ёруғлик билан боғлайдилар.

Қорақалпоқлар орасида “Шолпан” (Чўлпон), “Темирқазық” (Темирқозик), “Үркер” (Хулкар), “Үркердин сиңлиси” (Хулкарнинг синглиси), “Жети қарақшы” (Етти қароқчи), “Қус жолы” (Қуш йўли) каби юлдузларнинг келиб чиқишига оид этиологик афсоналар ҳам “Нима сабабдан бундай бўлган?” деган саволга жавоб беришга қаратилиб, уларда юқорида санаб ўтилган юлдузларнинг келиб чиқиш сабаблари баён қилинади. Бу афсоналарнинг кўпчилиги бошқа туркий халқлар фольклорида ўз версияларига эга бўлиши, уларнинг бундан кўп асрлар аввал пайдо бўлиб, келиб чиқиши бўйича афсоналар қаторига киришини изоҳлайди. Аммо, афсоналарнинг қорақалпоқ версияси сифатида ўзига хос миллий специфик хусусиятларга эга эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Етти қароқчи юлдузлар туркуми ҳақидаги мифологик қарашлар, эътиқодлар ва уларнинг адабий кўринишлари бўлган афсоналар туркий ва мўғул халқларининг аксариятида учрайди. Ўзбек фольклорида у “*Етаган – Етти қароқчи*, Сибирь халқларида, асосан тувалиларда *Жетихан ёки Долон Бурхан*”<sup>2</sup>, бурятларда “*жети зарры, жети темириши*” атамалари билан маълум<sup>3</sup>.

Ҳайвонот ва улар белгиларининг келиб чиқиши ҳақидаги қорақалпоқ этиологик афсоналари бўйича олиб борилган тадқиқотлар уларнинг яратилиш даврлари мифик ва ундан кейинги тарихий даврларнинг турли босқичларига тўғри келишини урғулайдилар.

Афсоналарнинг маълум бир қисми қорақалпоқларнинг этногенезида маълум ўринга эга уруғлар, уларнинг қорақалпоқ миллати сифатида юзага келишига қадар яшаб ўтган географик ҳудудлари, шу ҳудуднинг табиати, ҳайвонот олами ҳақидаги “Қарлығаштың қуйрығы неге айры?” (Қалдирғочнинг думи неға айри?), “Топан суўы” (Тўфон суви), “Хәккә” (Ҳакка), “Атшөк” (Атшўк), “Байыўлы” (Бойўғли) каби этиологик афсоналарда ўз изини қолдирган.

Хулоса қилиб айтганда, қорақалпоқ мифологик афсоналари ушбу халқнинг турли ижтимоий босқичлардаги ўзларини ўраб турган ҳудудни таниши билан боғлиқ қарашлари, диний эътиқодлари, ижтимоий муносабатлари, анъаналари ва албатта, фольклор фантазиясининг турмуш талаблари билан боғлиқ тарзда яратилган.

*Диний афсоналар.* Бунда диний афсоналарни, асосан, энг қадимги диний эътиқодлар асосида “Инсоннинг ҳаёти, тирикчилиги ва анимистик тушунчаларига боғлиқ афсоналар” ҳамда “Пайғамбарлар, саҳобалар ва авлиёлар ҳақидаги афсоналар” деб икки турга бўлиб ўрганилади.

<sup>1</sup> Қарақалпақ фольклори. 77-том: «Миф ҳам мифлескен эпсаналар». – Нөкис, 2014. – Б. 28–30.

<sup>2</sup> Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол. фанлари док. дис ... автореф. – Тошкент, 1996. – Б. 25.

<sup>3</sup> Шарақшинова Н. О. Мифы бурят. – Иркутск, 1980. – С. 58–59.

Энг қадимги тотемизм, анимизм, магия, шаманизм сингари дастлабки диний эътиқодлар асосида такомиллашган қорақалпоқ диний афсоналарини фольклористик аспектда тадқиқ қилганимизда, қорақалпоқлар билан кўп асрлар давомида тарихий-генетик, маданий-иқтисодий алоқада бўлган халқларнинг қадимги диний қарашлари ва уларнинг фольклоршунослик соҳасида ўрганилиши ҳақидаги илмий манбаларга суянамиз.

Қорақалпоқ, ўзбек ва туркман деҳқонлари чархпалак пирини Нәйилаж (Ноилож) бобо деб атаганлар. Улар янги чархпалакни ишга туширишдан олдин унинг номига қурбонлик келтирганлар. Ноилож бобо ҳақидаги қорақалпоқлар орасида тарқалган афсона, мазмунан ўзбек ва туркман аналогларининг бир варианты ҳисобланади. Афсонада деҳқончилик пири Дийхан (Деҳқон) бобонинг Ноилож бобони қувғинга учратиши, шу сабабли унинг номи халқ орасида чорасиз қолган пир сифатида Ноилож бобо номини олганлиги борасида сўз юритилади<sup>1</sup>.

Қыдыр (Хизр) ота образи туркий халқлар фольклорида маълум даражада тадқиқ қилинган образлар сирасига киради. Асосан, Г.П.Снесарев, М.Сеидов, Г.Акрамов, К.Имомов, М.Жўраев, С.Қасқабасов, К.Шаниязов, Ф.И.Нурмановлар томонидан ўзбек, қозоқ, озарбайжон халқлари оғзаки ижодидаги бу образ шу халқлар фольклорининг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинади<sup>2</sup>. Қорақалпоқ афсоналари тизимида бу культга образ акс этган афсоналардаги қорақалпоқларнинг ушбу диний культга бўлган эътиқодлари асосида қараш устувор. Асосан, афсоналарда Хизр ота инсонларнинг ҳимоячиси, уларнинг келажаги ва тақдирини белгиловчи куч сифатида ифодаланади. Хизр ота қорақалпоқлар орасида яшаб ўтган, миллатнинг диний-маърифий тарихида маълум даражада улкан из қолдирган, халқ ичида уламолар атамаси билан маълум бўлган XVII–XIX асрларда яшаган тарихий шахсларнинг эпик образлари билан боғлиқ тарзда тасвирланади. Қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган ”Имамжан, Мағзымжан ҳам Қыдыр ата” (Имомжон, Мағзумжон ва Хизр ота), “Ийшан ҳам Қыдыр ата” (Эшон ва Хизр ота), “Қыдыр кўрган Дәўлетназар” (Хизр кўрган Давлатназар) номли афсоналар<sup>3</sup> шундай мазмундаги афсоналар учун типик нусхалар ҳисобланади.

Қорақалпоқ фольклорида Қорқит (Кўрқит) ота ҳақидаги афсоналар орасида тўрт афсона маълум бўлиб, уларнинг энг дастлабкиси Қ.Айимбетов томонидан Есемурат жировдан ёзиб олинган нусхаси Қўрқит отанинг туркий халқларнинг қадимги соз асбоби – кўбизни ўйлаб топиши ҳақида бўлиб,

<sup>1</sup> Этнография каракалпаков XIX в. – начало XX века: Материалы и исследования. – Ташкент: Фан, 1980. – С. 188.

<sup>2</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 223; Сеидов М. Хызыр-продукт тюркского мифологического мышления // Известия АН Азерб. ССР, серия литературы, языка и искусства. 1980. – № 4. – С. 10–30; Акрамов Г. Мифологиянинг айрим эпик жанрлар билан ўзаро муносабати // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент, 1981. – Б. 157; Имомов К. Афсона. Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент, 1989. – Б. 9; Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида «сехрли» рақамлар. – Тошкент, 1991. – Б. 123–124; Каскабасов С.А. Казахская сказочная проза. – Алмата, 1990. – С. 199–202; Шаниязов К. Узбеки карлуки. – Ташкент, 1994. – С. 164; Нурманов Ф.И. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридagi талқини: Филол. фанлари номзоди дис. ... автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 26.

<sup>3</sup> Қарақалпақ фольклори. Көп томлык. Т. 77–87. – Нөкис: Илим, 2014. – Б. 59–65.

С.Бахадирова<sup>1</sup>, К.Палимбетов<sup>2</sup>, М.Авезов<sup>3</sup> ва А.Жубановлар<sup>4</sup> ўз асарларида келтириб ўтган версиялардан бир қанча фарқ қилади. Қўрқит ота ҳақидаги афсоналарда Қўрқит ота Сирдарё бўйи билан боғланади, унинг қорақалпоқ версиясидаги кўплаб тарихий маълумотларда қорақалпоқларнинг макон қилган тарихий ўрни Сирдарё ҳавзасидаги Жаңадэрья (Янгидарё) бўйи ҳақида сўз юритилади. Бу факт афсонанинг қорақалпоқларнинг ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар таъсирида маълум даражада трансформацияланганидан дарак беради. “Қорқит ата” (Қўрқит ота), “Қайда барсан, Қорқиттың гөри” (Қаерга борсанг, Қўрқитнинг гўри) номли афсоналарнинг икковида ҳам Қўрқит ота қорақалпоқ миллатига мансуб шахс сифатида ифодаланади.

Пайғамбарлар, саҳобалар ва авлиёлар ҳақидаги афсоналарнинг образлар тизими жуда кенг тармоқли бўлиб, уларнинг таркибига ислом динига қадар ўтган насроний ва яҳудий пайғамбарлар ҳам кирган. Чунки, улар ҳақидаги афсоналар қорақалпоқлар орасида кенг тарқалган. Шунингдек, афсоналарнинг мазмуни, уларнинг манбаси ислом динига тегишли адабиётлардан иборат эканлигини кўрсатади. Шу сабабли биз пайғамбарлар ҳақидаги (“Адам ата”, “Ибраҳим саҳаба ҳам оның баласы Исмайыл”, “Нуў пайғамбар”, “Ийса пайғамбар”, “Мухаммед пайғамбар”, “Ҳэким Улықан”, “Ҳэзирети Әлий”) афсоналарни уларнинг қайси динга мансублигига қараб эмас, умумий хронологик тартибга кўра ўргандик.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида “*Топонимик афсоналар*” га хос бўлган белги ва хусусиятлар тадқиқ қилинган. Фольклоршуносликда топонимик афсоналарга маълум бир географик ҳудуддаги табиат унсурлари: ер, сув, тоғлар, қалъалар, маконлар, қадамжолар, мақбараларнинг пайдо бўлиши, улар номларининг келиб чиқиши тўғрисидаги ҳикоялар киради.

Қорақалпоқ топонимик афсоналари ушбу жанрнинг бошқа турларига хос бўлган анъанавий “Бир ўақытлары”, “Қадимги заманда”, “Өткен заманларда”, “Әпсаналарда сөз етилиўинше” формулалари билан бошланади ва маълум бир объектнинг келиб чиқиш тарихига боғлиқ воқеа “Усыннан кейин ол усылай атала баслапты” деган анъанавий ибора билан якунланади.

Қорақалпоқ фольклоридаги топонимик мавзудаги адабий матнларга (текстларга) оид тадқиқотлар қорақалпоқ топонимик афсоналарининг мавзуйи жиҳатдан қуйидаги икки турга ажралишини тақозо қилади: 1) эски шаҳар, қалъа ва кўрғонлар, мақбара ва қадамжоларнинг пайдо бўлиши ёки уларнинг вайрон бўлиши (“Ақша көл” (Ақчакўл), “Аяз қала” (Аёзқалъа), “Төк қала” (Тўк қалъа), “Шылпық” (Чилпик), “Дәўкескен” (Девкесган), “Кетенлер” (Катанлар), “Мазлумхан сулыў” (Мазлумхон сулуw), “Гүлдирсин” (Гулдурсун)) ҳақидаги афсоналар; 2) табиат унсурлари – дарё, денгиз, каналлар ва маконларнинг келиб чиқиши ҳақидаги (“Кексе Арал ҳам оның қызлары” (Кекса Орoл ва унинг

<sup>1</sup> Бахадирова С. “Китабы дэдам Қорқыт”, “Қоблан”, “Едиге” хэм әдебият ҳаққында ойлар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992. – Б. 171.

<sup>2</sup> Палимбетов К. Қорқыт ата китабы хэм қарақалпақ дэстанлары. – Нөкис: Билим, 2010. – Б. 128.

<sup>3</sup> Аўезов М., Соболев Л. Эпос и фольклор казахского народа. Литературный критик. – Алма-ата, 1939. – №10–11. – С. 228.

<sup>4</sup> Жубанов А. Струны столетий // Очерки жизни и творческой деятельности казахских народных композиторов. – Алма-ата, 1958. – С. 230–235.

қизлари), “Қос терек” (Қўш терак), “Тасқирман” (Тошқирмон), “Шымбай” (Чимбой), “Дэўқара” (Довқара), “Тазғара” (Тозқора), “Шоманай” (Шуманой), “Самамбай” (Саманбой), “Қыран таў” (Қирон тоғ), “Қоңыр атлы адам” (Қўнғиротли одам)) афсоналар.

Қорақалпоқ топономик афсоналарида у ёки бу объектнинг келиб чиқиши уч турдаги сабаб-воқеага эга: 1) шаҳар, қалъа, кўрғонлар; уларни қурдирган инсон исми ёки унинг ҳаракати билан боғлиқ сабаб-воқеа; 2) шаҳар, қалъа, кўрғоннинг вайрон бўлишига боғлиқ сабаб-воқеа; 3) маълум бир субъектнинг табиат объектига эврилиш сабаб-воқеаси.

Хулоса қилиб айтганда, қорақалпоқ топономик афсоналари табиат объектлари, эски шаҳар, қалъа ва кўрғонлар, қадамжолар ва халқ яшайдиган маконларнинг келиб чиқиши ҳақидаги хаёлий тўқима, фантастика орқали яратилган оғзаки, қисқа, ихчам сюжетли асарлар бўлиб, уларда қорақалпоқларнинг кўп асрлар давомида такомиллашган ва эволюцион босқичлардан ўтган объектив муҳит ҳақидаги қарашлари ўз аксини топган.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими “*Тарихий афсоналар*” деб номланади. Ушбу бўлимда тарихий шахслар, тарихий давр ва тарихий воқеалар тўғрисидаги афсоналар ўрганилади.

Тарихий шахслар ҳақидаги афсоналарда эски мифологик даврдаги турли эътиқодлар асосида такомиллашган сюжетлардаги қаҳрамонлар ўрнига инсоният тарихида ёки бир ҳудуд миқёсида маълум бўлган тарихий шахс олиниб, эски мифологик сюжет янги даврга хос трансформацияланади. Тарихий давр ёки тарихий воқеалар ҳақидаги афсоналарда эса, аксинча маълум бир тарихий давр ёки воқеа мифологик қаҳрамонлар образи атрофида ифодаланади.

Тарихий шахслар ҳақидаги афсоналарда энг кўп тарқалган ва маълум бир циклга тушган афсоналар гуруҳи бу – шарқ халқлари оғзаки ижодида Искандар Зулқарнайн номи билан маълум бўлган тарихий шахсдир. Е.Э.Бертельс<sup>1</sup>, Е.А.Костюхин<sup>2</sup>лар Александр Македонский образи Ўрта Шарқ халқларининг маданий тарихидаги, жумладан, фольклор анъанасида тутган ўрни ҳақидаги асарлари асосида “Искандар Зулқарнайн ҳақидаги афсоналар унинг ватани Юнонистонда эмас, Ўрта Шарқ халқлари орасида пайдо бўлган, оғиздан-оғизга ўтиб, бу ҳудудда кенг тарқалган”<sup>3</sup>, деган фикрни айтиб, бунинг тасдиғи сифатида бош саркарданинг шарққа қилган юришлари билан боғлиқ тарихий воқеаларни келтирадилар.

Сулаймон подшо ҳақидаги қорақалпоқлар орасида энг машҳур афсоналар бу – унинг умуман шарқ оғзаки ижоди манбаларида келтирилган тилсимли узуги ҳақидаги мотив асосида юзага келган “Сулайманның Әнуштар жүзиги” (Сулаймоннинг сеҳрли узуги), “Сулайман патша ҳам кәнизек” (Сулаймон подшо ва канизак) номли афсоналари ҳисобланади. Икки афсона ҳам Сулаймон подшонинг дунёдаги шуҳрати, бойлиги, бутун жонзот устидан ҳукмдорлигини таърифлаш билан бошланади. Афсона бўйича Сулаймоннинг олам устидан

<sup>1</sup> Бертельс Е.Э. Роман об Александре. – М., 1948. – С. 4.

<sup>2</sup> Костюхин Е.А. Александр Македонский в литературной и фольклорной традиции. – М., 1972. – С. 154–156.

<sup>3</sup> Имамов К. Ўзбек халқ насли поэтикаси. – Тошкент, 2008. – Б. 52.

ҳукмдорлиги унинг сеҳрли узуги билан боғлиқ. Қорақалпоқ фольклори тизимидаги Сулаймон ҳақидаги афсоналарда у асосан дунёвий ҳукмдор, яъни подшо сифатида танилган.

